


“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича тарғибот тадбирлари давом этмоқда.



Тадбирда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати С.Турсунов, Шеробод тумани Кенгаши депутатлари М.Мадарқулов, А.Чориевлар сўзга чиқиб янги конституциямизнинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни, унга киритилаётган янги қўшимчалар ва ўзгаришлар халқимизнинг турмуш тарзини янада фаровонлашишига, инсон қадрини бундан-да юксалишига хизмат қилишини таъкидлаб, бўлиб ўтадиган референдумда фаол иштирок этишга чақирди.